SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-yil, 1-oktabr. Shanba • 117 (32.176) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Авваламбор, дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган сиз, азизларни бугунги қутлуғ айём — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ушбу сана бундан 19 йил олдин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан эл-юртимизнинг сизларга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромининг амалий ифодаси, умумхалқ байрами сифатида таъсис этилганини албатта ҳаммамиз яхши эслаймиз.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишни келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шарти деб билган, сизларга ўзининг энг яқин маслакдошлари сифатида катта ишонч ва ҳурмат билан қараган Юртбошимизнинг ўзлари ҳам барчамиз учун меҳрибон устоз, талабчан мураббий эдилар.

Ислом Абдуғаниевич Ватанимизни буюк муҳаббат билан севиш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш, бу йўлда бор билим ва тажрибамиз, бутун борлиғимизни сафарбар этиш борасида биз учун юксак ибрат мактабини яратиб кетдилар.

Жаҳон ҳамжамиятида «ўзбек модели» деб тан олинган тараққиёт стратегиямизнинг ажралмас қисми бўлган замонавий таълим-тарбия тизимига асос солган, бу соҳани давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтариб, унинг ривожланиш йўлларини аниқ белгилаб берган, «Бутун Ўзбекистон болалари — менинг азиз фарзандларим» деб уларни ҳамиша эъзозлаган Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ўлмас тарихий хизматларини бугунги ва келгуси авлодлар доимо чуқур миннатдорлик билан ёдга олади.

Улуғ устозимизнинг эзгу ғоя ва васиятлари асосида таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислоҳотларни юксак босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлод кадрларини вояга етказишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш ҳаммамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиз бўлиб, биз бу йўлда биринчи навбатда сиз, азизларга, сизларнинг билим ва малакангиз, тажриба ва маҳоратингизга таянамиз.

Азиз дўстлар!

Сизларнинг ёшларимиз қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдириш, уларни турли таҳдидлардан асраш, комил инсон этиб вояга етказиш йўлидаги беқиёс хизматларингизни барча ота-оналар, жамоатчилигимиз, бутун халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айни пайтда бугунги кунда олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турганини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, унинг нафақат давр билан ҳамоҳанг бўлишини, балки замондан олдинда юришини таъминлаш, педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг илғор усулларидан кенг фойдаланиш, бу ишларни хориждаги нуфузли марказлар билан ҳамкорликда олиб бориш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ўқитувчи ва домлаларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини ҳар тарафлама рағбатлантириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш, қисқа қилиб айтганда, ҳаётимизга катта куч бўлиб кираётган янги авлодимизни камол топтириш учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар сафарбар этилади.

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Сиз, азизларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, ҳаётда ва меҳнат фаолиятингизда бахт ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ТАЪЛИМ ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов улғайиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш, йигит-қизларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказишда таълим фидойиларини ўзининг энг яқин ёрдамчиси, деб билар эди. Истиқлол йилларида янгича тафаккурга эга, соғлом ва баркамол ўғил-қизларни тарбиялашда педагогларнинг ўрни ва мавқеи ҳар қачонгидан кўра юксалди.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар, илмий анжуманлар, учрашувларда ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларга чуқур билим бериш, уларни она Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтиришда муаллимларнинг меҳнатлари алоҳида эътироф этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинмоқда.

30 сентябрь куни бир гуруҳ фахрий ва фаол ўқитувчилар, ёш муаллимлар ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Шу куни Ўзбек Миллий академик драма театрида ушбу байрам муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ходимлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг педагоглари, спорт мураббийлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки кунларидан янгича билим ва тафаккурли, юксак маънавиятли авлодни тарбиялаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури жамиятимиздаги ижтимоий-маърифий ҳаётни тубдан ўзгартирди. Ушбу ҳужжатлар замонавий билим масканларини барпо этиш, ёшларни 12 йиллик бепул мажбурий таълим билан тўлақонли қамраб олиш, давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини замон руҳига мос тарзда ислоҳ этиш каби кенг қамровли ишларни тизимли амалга оширишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Ўқитувчиларга кўрсатилаётган юксак эътибор таълим тизимининг барча бўғинларида яққол кўзга ташланмоқда. Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақини бир неча баробар ошириш, уларнинг ўз устида ишлаши, изланиши, дарс жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилаётган лойиҳалар, турли маърифий-ижодий танловлар ёшларга билим беришга доир илғор тажрибалар, инновацион ғоя ва ташаббусларнинг тобора кенг қулоч ёйиши, оммалашиши, болаларнинг ўқишга иштиёқи кучайиши, ўзлаштиришда ижобий натижаларга эришишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 29 сентябрдаги фармонига мувофиқ таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2016» танловининг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси М.Шарапова, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси, Болгария ва Кипрда ўтказилган талабаларнинг математика бўйича халқаро олимпиадаси олтин медаллари соҳиби Ҳ.Эгамберганов таълим-тарбия олиш учун яратилган замонавий шароитлар, ўқитувчилар меҳнатини эъзозлаш борасидаги юксак эътибор учун давлатимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон халқ шоири С.Саййид устоз ва мураббийларни байрам билан қутлаб, уларга бағишланган янги шеърини ўқиб берди.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасининг «Мирзо Улуғбек» спектакли намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Арипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёшларга илм-фан асослари ва замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги фидойилиги ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

Мамашарипова Дилором Мухаммадиевна — Оқдарё туманидаги 45-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Фозилова Раъно Тўлагановна — Чиноз туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Бозоров Абдуқаюм Каримович — Балиқчи туманидаги 12-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Генжемуратова Гулсара Оралбаевна — Қораўзак туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

► *Давоми 2-бетда.*

СИЗГА ТАЪЗИМ, УСТОЗЛАР

Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, ташкилотлари томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида ташкил этилди.

3

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

СУРХОНДАРЁДА САЙЛОВ ТАДОРИГИ

Жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Сурхондарё вилоятида ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Миллий қонунчилигимизга мувофиқ мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу муҳим жараённи очиқ, ошкора ва адолат тамойиллари асосида ўтказиш учун 9-Сурхондарё сайлов округи тузилиб, округ сайлов комиссияси ва унинг шахсий таркиби тасдиқланди. Округ сайлов комиссиясига бино ва хоналар ажратилиб, комиссиянинг самарали фаолият юритиши учун қулай шароит яратилди. Айни пайтда округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ белгиланган режа асосида фаолият юритмоқда.

— Коллегиаллик, ошкоралик руҳида ўтган дастлабки йиғилишда округ сайлов комиссияси аъзолари ўртасида вазифалар тақсимоти ишлаб чиқилиб, тасдиқланди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси аъзоси Фирдавс Шарипов. — Тадбирнинг барча босқичларини кенг ёритиш мақсадида матбуот маркази тузилиб, таркиби тасдиқланди. Округ сайлов комиссияси аъзоларига сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича амалий ёрдам бериш учун шаҳар, туманлар бириктирилди. Округ сайлов комиссияси аъзоларининг сайлов масалалари бўйича фуқароларни доимий қабул қилишини ташкил этиш мақсадида округ сайлов комиссиясида навбатчилик жадвали ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунида маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳудудда ташкил этиладиган участка сайлов комиссияси аъзолигига муносиб номзодларни тавсия этиши белгиланган. Шунга кўра, улар масъулиятли бу вазифага обрў-эътиборли, эл ҳурматини қозонган, маҳаллада муҳим яшаётган ва сайлов қонунчилигидан хабардор партиясиз фуқаролардан номзодларни танлаб олишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда халқаро мезонларга мос миллий сайлов тизими яратилгани фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ва ҳуқуқий демократик жамият қурилишида бевосита иштирок этишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими раиси Ўрол Тошбоев. — Вилоятда 833 маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Шу кунларда барча маҳаллалар фаоллари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини миллий қонунчилигимизга мувофиқ ташкил этиш ва ўтказиш борасида ўзларига белгиланган вазифаларни сидқидилдан амалга ошириб, участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар тавсия этиш, сайловда иштирок этадиган фуқаролар ва илк марта овоз берадиган ёшларни аниқлаш каби ишлар билан банд. Барча тадбирлар ҳудудда истиқомат қилаётган фуқароларда сайлов ва эртанги кунимизга дахлдорлик туйғусини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

САЙЛОВГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда дастлаб округ сайлов комиссияси аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг гувоҳномалари топширилди.

— Жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида вилоятдан 1 миллион 771 мингдан ортиқ сайловчи ўз конституцион ҳуқуқини амалга оширади, — дейди округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Озода Чубаева. — Айни пайтда сайловчиларнинг ўз ҳуқуқидан демократик тамойиллар асосида фойдаланиши учун сайлов участкаларини ташкил этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Округ сайлов комиссиясининг асосий вазифалари ва комиссия аъзолари ўртасида иш тақсимоти, жойларда сайлов участкалари ва участка сайлов комиссияларини ташкил этишнинг тартиблари ҳамда бу борада участка сайлов комиссияларига назарий-амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларини аккредитациядан ўтказиш, округ сайлов комиссияси матбуот маркази томонидан сайловга тайёргарлик ишларининг боришини ёритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

А.САТТОРОВ,
ЎзА мухбири.

ФАРМОН

■ Бу дунёда ҳар қайси онгли инсон — қаерда ишламасин, қандай касбу кор, лавозим эгаси бўлмасин, унга билим ва тарбия бериб, ҳаётга йўллаган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлари олдида ҳамиша қарздорлик ҳисси билан яшайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Алимов Абдихамид Каримович — Деҳқонобод туманидаги 89-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ахадов Комилжон Яхияевич — Дўстлик туманидаги 18-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Жураева Рахима Бустановна — Мингбулоқ туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Қулмаматова Гулжаҳон Абдурахмоновна — Музработ туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Мирзаева Назира Усмановна — Фарғона политехника институти қошидаги Ёрмозор академик лицейининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Сайидова Насиба Саидуллоевна — Қизилтепа енгил саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

Тошпулатова Матлюба Абдуганиевна — Боёвут туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Хажиев Кувандик Садуллаевич — Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Халимова Нурзода Олимовна — Вобкент қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Шамирзаев Абдували Ташпулатович — Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

Юртимизда таълим тизимини ривожлантириш, ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш, чуқур билим ва касб-ҳунарга эга малакали кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Ержанова Багдагул Аралбаевна — Мўйноқ туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Қурбонов Абдулхафиз Юсупович — Шаҳрихон автомобиль йўллари қурилиши касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Назарова Фатима Шариповна — Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 2-академик лицейнинг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахманова Озода Дехканбоевна — Қуйи Чирчиқ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Балтаев Юсупбай Сапарбаевич — Гурлан туманидаги 40-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Бекмирзаева Дилбар Каршибоевна — Жиззах тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Бозаров Абдихаким Эргашевич — Навбаҳор туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Қиличова Дилором Хайдаровна — Жондор туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Мамаджанова Одина Ахмаджоновна — Избоскан туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Нурмухамедова Барно Рашидовна — Шайхонтоҳур туманидаги 132-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Отарбаев Азатбай Узакбаевич — Нукус маданият ва санъат коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Парпиев Қодирали Махсудалиевич — Тўрақўрғон саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Турапов Бахриддин Ражапович — Яккабоғ туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Урунов Ортиқ Умматович — Булунғур маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Хидирова Зулхумор Абдирашидовна — Қумқўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Сурхондарё вилояти

Хожикулова Мохирахон Усмоновна — Данғара туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Шерматов Саид Назарович — Ховос транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдумаликов Бахром Абдуганиевич — Республика олий спорт маҳорати мактабининг оғир атлетика бўйича бош мураббийи, Тошкент шаҳри

Тошхонова Гўзалхон Вохобовна — Учқўприк туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Турсунпулатов Аброр Набиевич — Тошкент вилоятидаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Бозорова Нодира Тоғоевна — Кармана туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Боқиев Асқарали Шоматович — Касби қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Боратова Нигорахон Ахматжановна — Фарғона шаҳридаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, Фарғона вилояти

Жўраева Раъно Ўриновна — Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейнинг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ибрагимова Гулбаҳор Каюмовна — Андижон шаҳридаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Капитанов Юрий Петрович — Бекобод саноат касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент вилояти

Курбонова Матлуба Хурсанмуродовна — Тайлоқ туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Кучкарова Мухаббат Ишмуратовна — Жиззах шаҳридаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Маматова Матлуба Сотиболдиевна — Чортоқ туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Наметуллаева Нигархан Генжебаевна — Кегейли туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Уринбоева Лолахон Болибековна — Сардоба туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Халияров Панжи Азамович — Жарқўрғон саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ходжаев Равшан Илханович — Бухоро олимпия захиралари коллежининг бокс бўйича мураббийи, Бухоро вилояти

Худайберганов Жамшид Исмаилович — Хоразм вилоятидаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг дзюдо бўйича мураббийи

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдугафурова Хафизахон Юсуповна — Косонсой озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Абдуллаев Зохид Шермаматович — Самарқанд ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежининг информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Абдуразакова Мехриниса Раимбердиевна — Ангрен педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Абдурозаков Садик Муратович — Шаҳрисабз туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўзбек халқ чолғулари синфи ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Аимуратова Гулбаҳар Оринбаевна — 2-Нукус тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Амридинова Мавлюда Шавкатовна — Самарқанд шаҳридаги 9-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Самарқанд вилояти

Ахмаджанова Умидахон Мўминовна — Қўрғонтепа туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Бабаджанова Дилбар Рузметовна — Хива енгил саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Байқулова Манзура Жонзоқовна — Мирзаобод туманидаги 3-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

Ганиев Абдувохид Абдувалиевич — Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

Данакулова Фарида Эшимовна — Жомбой туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Дусмуратова Лола Кувановна — Термиз шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Жиянов Хасанбой Эгамкулович — Бекобод шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Жолмурзаева Тазагул Жумахмедовна — Тахтакўпир туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жонзоқова Сайёра Анваровна — Янгиер педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Зарипова Саодат Сунатовна — Каттақўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Иброхимов Фарход Хасанович — Янгиариқ туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Касимова Галия Вализяновна — Мирзо Улуғбек туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Кенжаев Меликузи Нумонович — Қўқон автотранспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Қиличев Тўлкин Махмурович — Чирчиқ олимпия захиралари коллежининг бокс бўйича бош мураббийи, Тошкент вилояти

Қурбонов Юнус Жураевич — Қарши туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Лутфуллаев Хайрулла Ширинхонович — Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Мендибаев Бахрам Рустамович — Республика олий спорт маҳорати мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи, Тошкент шаҳри

Мирзаева Азиза Саибжановна — Хўжаобод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Мирзаева Гулбаҳор Хамдамовна — Қарши шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

Мурадова Нодира Баходировна — Наманган саноат касб-ҳунар коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Муродов Ҳалим Салимович — Когон шаҳридаги 17-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Мухитдинова Сайёра Тухтаевна — Бухоро политехника касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Назаров Сарсенбай Пахраддинович — Қонликўл қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Намозова Хабиба Рахманкуловна — Узун туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Пахритдинова Нодира Аскаровна — Яшнобод туманидаги 67-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси,Тошкент шаҳри

Поянов Зокиржон Зиядуллаевич — Денов туманидаги «Ҳазорбоғ» қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сурхондарё вилояти

Райимов Равшан Исаевич — Хатирчи туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Раупов Илёс Ахадович — Ғиждувон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Садуллаева Гулистон Нуруллаевна — Хонқа туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Саидов Ризоқул Ёрқулович — Пешку саноат касб-ҳунар коллежининг информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Сатторова Махфуза Ғаппоровна — Фурқат туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Сафаров Бобомурод Рахимович — Ғузор нефть-газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Соатова Гулчирой Каримовна — Муборак саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Туйчибаева Хилолахон Эркиновна — Учқўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Тухтабаев Зухритдин Парпиевич — Андижон маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Умиров Ойбек Абдувайитович — Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Урашаева Умит Алламуратовна — Хўжайли агроиқтисодиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Хайитов Шерали Исматович — Бахмал туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Ходжаева Машхура Мирзаабдуллаевна — Наманган туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ходжиматова Хикоятхон Турсуновна — Фарғона шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Фарғона вилояти

Худдиев Комилжон Мухторович — Навоий кончилик коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Навоий вилояти

Шарипова Дурдона Миразамовна — Учтепа туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Шохўжаев Шоқосим Сидиқович — Оққўрғон агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Якубов Чори Адинаевич — Ангор педагогика коллежининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 29 сентябрь

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

■ Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, бу жараёнда ижтимоий адолат тамойилларига қатъий амал қилиниши жуда долзарб масаладир.

ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ОШАДИМИ?

Парламентдаги Ўзбекистон ХДП фракцияси шу масала билан боғлиқ қонун лойиҳасини муҳокама этди

Мамлакатимизда кексалар, жисмоний имконияти чекланганларга эътибор кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш муҳим масалага айланган. Бу айниқса, ижтимоий муҳофазани янада кучайтириш, ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш жараёнларида ўзининг ҳаётий ифодасини топмоқда. Жамиятда инсонийлик ва ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкамланишида бу борадаги ташаббуслар долзарб аҳамият касб этади.

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳожатманд қатламларига ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидландики, қонун лойиҳаси кексалар, ногиронлар ва бошқа ижтимоий ёрдамга эҳтиёжманд қатламларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни ягона тизимга солиш мақсадида ишлаб чиқилди. Бу эса кучли ижтимоий сиёсат тарафдори бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадлари билан ҳамоҳангдир. Маълумки, партиямиз Дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

— Аввало, республикамизда аҳолининг қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг комплекс тизими яратилганини таъкидлашимиз лозим, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Собитхон Турғунов.** — Ҳозирги вақтда ушбу тизим «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Лекин уларнинг умумий таҳлили ижтимоий хизматлар тўғрисида алоҳида қонун яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шунинг учун «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳожатманд қатламларига ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳоли тоифалари, уларни аниқлаш мезонлари ва бошқа бир қатор масалалар аниқ ифодаланяпти. Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, бу жараёнда ижтимоий адолат тамойилларига қатъий амал қилиниши жуда долзарб масаладир. Умуман олганда, ҳужжат лойиҳасидаги меъёрлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат бардавомлиги ва унинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Шулардан келиб чиққан ҳолда фракциямиз вакиллари ушбу қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаш ҳақида якдил фикр билдиришди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари мазкур қонуннинг қабул қилиниши амалдаги ижтимоий хизматларни такомиллаштириш ва янгиларини шакллантиришга асос бўлишини таъкидлашди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Бандлик дастури бўйича парламент эшитуви ўтказилди

Жорий йилнинг 29 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббусига кўра, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирининг «2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши тўғрисида»ги ахборотини эшитдилар.

ЎзА сурати.

Эшитув давомида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг минтақалар ва муайян корхоналар кесимида Бандлик дастури амалга оширилишининг тизимли мониторинги ва таҳлилини ўтказишга доир фаолияти, меҳнат бозорида талаб ва таклифни ўрганиш натижалари ҳамда 2016 йил учун тасдиқланган кўрсаткичларни бажариш юзасидан унинг асосида қабул қилинган зарур қўшимча чора-тадбирлар, янги ташкил этилаётган иш ўринлари хусусидаги кўрсаткичларнинг тўғрилиги устидан назоратни кучайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан ҳамкорликдаги ишлари тўғрисидаги ахборот тақдим этилди.

Таъкидлаб ўтилдики, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилганлиги, шунингдек, асосан саноатда, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида, уй-жой қурилишида янги объектларнинг ишга туширилганлиги, кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликларининг жадал ривожланганлиги жорий йилнинг январь-июнь ойларида 462,5 минг кишининг бандлигини таъминлаш имконини берди. Иш ўринларининг 59,8 фоизи қишлоқ жойларида ташкил этилди.

Иш билан банд бўлмаган аҳоли вакилларига ишга жойлашиш борасида меҳнат органлари томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш орқали кўмак кўрсатилди. Натижада бандликка кўмаклашиш туман ва шаҳар марказлари томонидан ишга жойлаштириш юзасидан мурожаат қилган 124,6 минг фуқаро доимий ва вақтинчалик иш билан таъминланди, 52,6 минг фуқарога меҳнатга оид қонун ҳужжатлари бўйича ҳамда ишга жойлашиш имкониятлари хусусида ахборот ва маслаҳатлар берилди.

Шу билан бирга, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг «2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши тўғрисида»ги ахборотини ижобий баҳолаган ҳолда, Дастурда назарда тутилган барча чора-тадбирлар комплексини амалга оширишда фойдаланилмаган имкониятлар ҳамда камчиликлар борлигини, хусусан, Дастурнинг бажарилиши юзасидан мониторинг ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг бошқа тегишли давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигини яхшилаш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Эркин Авезов, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг бошқарма бошлиғи:

— Бугунги эшитув ўтган йиллардагидан фарқли равишда амалий ва танқидий руҳда ўтди. Сайловчилар билан бўлган учрашувлар ва назорат-таҳлил тадбирлари давомида олинган маълумотлар асосида депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ўринли деб ҳисоблаймиз. Хусусан, янги ташкил этилаётган иш ўринлари ҳақидаги кўрсаткичларнинг тўғрилиги устидан назоратни кучайтиришга доир тавсиялар берилди. Буларнинг барчаси фаолиятимизда янгича ёндашувларни, шунингдек, ишимиз сифатини янада яхшилашни талаб этади.

Эшитув якунларига кўра, муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати
(Материал қисқартирилган ҳолда берилмоқда).

■ 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

СИЗГА ТАЪЗИМ, УСТОЗЛАР

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

— Биз ўқиган пайтлардаги мактаб билан ҳозирги кун мактабларини асло таққослаб бўлмайди, — деди **меҳнат фахрийси Собир Курбонов.** — Бугунги чет тилларини ўрганиш учун ташкил этилган лингафон хоналари у ёқда турсин, ҳатто физика, химия дарсларида лаборатория жиҳозлари йўқ эди. Шунинг учун ўқитувчимиз доскага чизиб, табиат қонунларини тушунтиришга ҳаракат қиларди. Лекин кейин билсам, физика, кимё қонунларини қора доскага чизилган узуқ-юлуқ шакллар, тенглама ва теоремалар билан тўлиқ тушуниб бўлмас экан. Ўтган асрда таълим муассасаларининг асосий қисми мослаштирилган биноларда жойлашганди, уларни мактаб, дейишга тил бормасди. Бугун фарзандларимиз замонавий ўқув даргоҳларида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлди. Бундай қулайликдан самарали фойдаланиш, илм-фан чўққиларини забт этиб, юртимиз номини дунёга ёйиш уларнинг асосий вазифаси, деб ҳисоблайман.

— Партиямиз Сайловолди дастурида таълим масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов.** — Шунинг учун партия ташкилотларимиз, депутатлар ўқув муассасаларидаги шарт-шароитларни яхшилаш, ўқитувчиларнинг масъулиятини ошириш бўйича муайян ташаббусларни илгари сурмоқда. Ҳаммамизга маълум, мустақиллик йилларида таълим тизимини замонавий мезонлар асосида такомиллаштиришга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Минглаб янги таълим муассасалари барпо этилди.

Шунингдек, мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тубдан такомиллаштирилди. Истеъдодли, ўз касбига содиқ педагогларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизми жорий этилди. Ҳар йили уларнинг бир гуруҳи мамлакатимизнинг юксак унвон ва мукофотлари билан тақдирланмоқда. Буларнинг барчаси устозлар, ўқитувчи ва мураббийларга халқимиз, давлатимизнинг ҳурмати чексиз эканини англатади, деб ўйлайман.

— Мамлакат тақдири, унинг келажаги қандай бўлиши болаларимиз бугун қандай таълим-тарбия олаётганига боғлиқ, — деди **Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова.** — Айниқса, ҳозирги таҳликали, мураккаб замонда уларнинг онгу шуурини эгаллашга, дунёқарашини ёт ғоялар билан заҳарлашга уринишлар авж олган. Демак, биздан ҳар қачонгиданда кўпроқ меҳнат ва изланиш, фидойилик талаб этилади. Ёшларга ҳар томонлама ўрнак бўлишимиз лозим.

Тадбирда, шунингдек, **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов, иқтисод фанлари доктори, профессор Шарбат Абдуллаева** ва бошқалар ўқитувчи ва мураббийларни касб байрами билан табриклаб, уларнинг фидокорона меҳнатлари ҳақида илиқ фикрлар билдиришди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

■ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОСИ МИНБАРИ

ҚАРОР ИЖРОСИ

турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади

Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Тошкент вилояти соғлом ва серҳосил ерлари, гўзал ва хушманзара табиати, сув захиралари мўл, бир сўз билан айтганда, иқтисодий салоҳияти юксак ҳудуд ҳисобланади.

Вилоят деҳқонларининг меҳнати эвазига ҳосилдор ерлардан етиштирилаётган турли хил ноз-неъматлар нафақат вилоят, балки пойтахт аҳолисининг дастурхонини тўкин, турмушини фаровон қилмоқда.

Йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг шу ҳудудда жойлашгани эса саноатнинг юксалишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида вилоятнинг улуши салмоқлидир.

Вилоятнинг кейинги йиллардаги иқтисодий ўсиши натижасида ялпи худудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Саноат ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, пуллик хизмат кўрсатиш соҳалари 8-15 фоизга ўсган. Айниқса, «Ангрен» махсус индустриал зонасида 30 дан ортиқ инвестиция лойиҳалари асосида ишлатилган нефть маҳсулотларини қайта ишлаш орқали мой тайёрлаш, чарм буюмлар ишлаб чиқариш, сопол плиталар ишлаб чиқариш, мис қувурлар, санитария-техник буюмлар, бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги вилоят аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Вилоятда қўшма корхоналар ташкил этишнинг кенг имконлари мавжуд. Биргина «Женерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган корхонада юзлаб ёш мутахассислар иш билан таъминланди.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Унга кўра, 2016 йилдан 2018 йилга қадар Тошкент вилояти ҳудудларини ривожлантиришнинг комплекс чоралари кўрилиб, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш белгиланган.

Ушбу дастурда янги саноат корхоналари барпо этиш, ишлаётганларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича 648 инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. 632 733,1 минг АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, 11 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Бу дастур нафақат иқтисодиёт тармоқларини, балки аҳоли фаровонлигини таъминлашга ҳам улкан ҳисса қўшади. Чунки дастурга кўра, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирларини амалга ошириш белгиланган. Жами 2375 лойиҳа, жумладан, сабзавотчилик бўйича 374, боғдорчиликда 428, узумчиликда 235, балиқчилик соҳасида 149, чорвачилик бўйича 406 лойиҳа амалга оширилади.

Дастур доирасида замонавий ускуналарни, ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш орқали Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Паркент, Юқори Чирчиқ ва Чиноз туманларида барпо этиладиган саноат корхоналари ҳам вилоятда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ривожланишига, янги иш ўринларининг яратилишига имкон беради. Шу боис ҳам биз, депутатлар, партиямиз фаоллари дастур асосида амалга ошириладиган ишларда фаол қатнашишимиз, жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтиришимиз зарур бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, белгиланган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш халқ фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА МАҲАЛЛИЙ ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ, БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИМИЗ ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ, ЎЗ САЙЛОВ ҲУҚУҚИДАН ОНГЛИ РАВИШДА ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ФОЙДАЛАНИШГА БЎЛГАН ИНТИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР!

■ Ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи 2006 йил 1 сентябрдан 2016 йил 1 сентябргача 12 бараварга оширилиб, устама ва қўшимчалар билан бирга ўртача иш ҳақи 1 миллион 235 минг сўмни ташкил этмоқда

ҲАЁТ ЙЎЛИДА БИРИНЧИ МАСАЛА — МАКТАБ МАСАЛАСИДИР

Сизда ҳам шундай бўлса керак. Мен ҳамон ўзим ўқиган мактабни қўмсайман. Муаллимларимни соғинаман. Синфдошларимни кўрсам, кўнглим ёришади. Мактабнинг ёнидан ўтиб кетаётганимда, ўқитувчиларимни кўрганимда юрагим энтикади. ...Эсимда, ручка тутган қўлларим ҳеч қовушмасди. Ҳарфларни уриштириб ўқишим жуда қийин кечган. Уйга вазифани бажаришни унутиб қўярдим. Китобларим қолиб кетарди. Биринчи дарсга кечикиб борардим...

Фарруҳ АЛИЕВ олган сурат.

Сиз қанчалар улуғсиз муаллим. Азиз ва мўътабарсиз муаллим. Барча айбларимизни кечириб, Ватан, Она сўзларини ёзишни, ўқишни ўргатгансиз. Сизнинг олдингизда тоғлар таъзим қилади. Осмон пойингизга тушади. Даҳоларни тарбиялагансиз муаллим, шоиру шоҳларни, қаҳрамонларни барча-барчасини улғайтиргансиз. Шунинг учун ҳам бу дунёда ўқитувчилик касбидан улуғроқ, машаққатлироқ, шарафлироқ касб бўлмаса керак...

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида «Ўқитувчи — илм ва маърифат, таълим ва тарбия фидойиси» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Дунёда ўқитувчиларни қадрлайдиган, эъзозлайдиган, бошига кўтарадиган Ўзбекистондек мамлакат борлигига ишонмайман, — дейди **Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаббат Шарапова.** — Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўқитувчилар қадр-қимматини, обрў-эътиборини осмонга олиб чиқди, десам муболаға қилмаган бўламан.

Қирқ беш йиллик меҳнат фаолиятимнинг 25 йили мустақиллик даврига тўғри келади. Баъзида истиқлол берган имкониятларни мустабид тузум даври билан таққослайман. Қанчадан-қанча мактаблар барпо этилди. Муаллимнинг жамиятдаги ўрни мустаҳкамланди. Келажакка бўлган ишонч, баркамол авлод таълим-тарбияси йўлида фидойилик кўрсатиш бугун умумхалқ ҳаракатига айланди. Буларнинг барчаси учун биз ўқитувчилар давлатимиз ва халқимиз олдида қарздор эканлигимизни ҳис этиб турибмиз...

— Мустақиллик йилларида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонун ўхшаши йўқлиги, бетакрорлиги билан халқаро экспертларни ҳайратга солиб келмоқда, — дейди **Халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев.** — Бугун республикамиздаги 9692 умумтаълим мактабида 385 634 нафар педагог фаолият кўрсатмоқда. Тизимдаги 4916 мактабгача таълим муассасасида 55 463 нафар, 301 болалар мусиқа ва санъат мактабларида 11 464 нафар, 225 болалар-ўсмирлар спорт мактабларида 8212 нафар устоз ва мураббий келажак авлодга таълим-тарбия бермоқда. Таълим даргоҳларини ёш кадрлар билан таъминлаш мақсадида сўнгги уч йилда 25 минг нафар ёш мутахассислар мактабларда фаолият бошлади.

Чет тили ўқитувчиларини қўшимча рағбатлантириш мақсадида Британия кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказилиб, ғолиблар аниқланди.

Ўтган ўқув йилида 47 узоқ туманлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида чет тили ўқитувчилари етишмаслиги ҳисобга олиниб, 192 нафар абитуриент олий таълим муассасаларига мақсадли қабул қилинди. Ҳукуматимиз томонидан тизимда фаолият кўрсатаётган фидойи, жонкуяр ва ўз касбининг устаси бўлган изланувчан педагогларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида бир қатор имтиёзлар берилмоқда. Жумладан, қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда спорт устози бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда 15 фоиз миқдорда устамалар тўланяпти.

Ўзининг билими ва салоҳияти билан ўрнак бўлаётган чет тили ўқитувчиларига, қишлоқ мактабларида лавозим маошининг 30 фоизи миқдорида, қолган таълим муассасаларида лавозим маошининг 15 фоизи миқдорида ойлик устамалар тўланмоқда. 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб халқ таълими тизимидаги методистлар иш ҳақи миқдорлари 1,5 бараварга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ барча халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари 2015-2018 йилларда капитал таъмирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланади. Шунингдек, таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида малака ошириш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Янгидан жорий этилган ўқитишнинг замонавий усуллари асосида 2016 йилнинг ўтган даври мобайнида 67 минг нафар педагог малакаси оширилди.

Халқ таълими вазирлиги ўқитувчи ва педагоглар орасида энг илғор тажрибаларни аниқлаш ва уларни оммалаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши директори», «Йилнинг энг яхши психологи», «Йилнинг энг яхши методисти», «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси», «Йилнинг энг фаол маънавий-марифий ишлар бўйича директор ўринбосари» ва бошқа кўрик-танловлар орқали илғор, ташаббускор, ижодкор педагоглар тажрибаси оммалаштирилмоқда.

— Ҳукуматимизнинг педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича изчил амалга оширган ишлари натижасида ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи 2006 йил 1 сентябрдан 2016 йил 1 сентябргача 12 бараварга оширилиб, устама ва қўшимчалар билан бирга ўртача иш ҳақи 1 миллион 235 минг сўмни ташкил этмоқда, — дейди **Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар бошқармаси бошлиғи Абдураҳим Носиров.** — 1991-2016 йиллар давомида 4041 нафар устоз ва мураббий турли давлат мукофотлари ва унвонлари билан тақдирланди. Шулардан 7 нафари «Ўзбекистон Қаҳрамони», 124 нафари «Эл-юрт ҳурмати» ордени, 33 нафари «Фидокорона хизматлари учун» ордени, 304 нафари «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», 317 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 399 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», 303 нафари «Меҳнат шуҳрати» ордени, 508 нафари I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени, 394 нафари «Дўстлик» ордени, 20 нафари «Жасорат» медали, 1385 нафари «Шуҳрат» медали ва бошқа давлат мукофотлари билан тақдирланди...

Австриялик таниқли ёзувчи Мария фон Эбнер-Эшенбах «Шифокор ва ўқитувчидан доимий равишда мўъжиза кутадилар. Мўъжиза содир бўлганда эса бундан ҳеч ким ажабланмайди», деган эди. Дарҳақиқат, ўқитувчиларнинг ишини ҳақиқий мўъжизага қиёсласа бўлади

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ИНСОН ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ

СУДДА ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ИШТИРОКИ

Маълумки, халқ маслаҳатчиларининг жиноят ишлари бўйича судда фаол иштироки одил судлов фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлайди ва фуқароларнинг суд ҳокимиятига ишончини мустаҳкамлайди.

«Судлар тўғрисидаги» Қонуннинг 62-моддасига кўра, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларда очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси судда халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин ҳамда ушбу давр ичида уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, «Судлар тўғрисида»ги Қонун ва «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низомга кўра, оғир ва ўта оғир тоифали жиноят ишларини судда кўришда икки нафар халқ маслаҳатчилари иштирок этади. Бу билан бир томондан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлигини одил судлов орқали ҳимоя қилиш имконияти кенгаяди. Натижада одамларнинг судларга бўлган ишончи янада ортади.

Жорий йилнинг сентябрь ойидан республикамиз бўйича жойларда навбатдаги халқ маслаҳатчилари сайлови бошланди. Октябрь ойида якунланадиган ушбу сайловда юқоридаги талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари халқ маслаҳатчиларининг сайловида фаол иштирок этишлари мумкин. Сирғали туман ҳудудида яшаётган ёки ишлаётган фуқаролар эса халқ маслаҳатчиси сифатида судларда иштирок этишни исташса, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали туман судига мурожаат қилишлари мумкин.

Халқ маслаҳатчилари сифатида жамоатчилик вакилларининг судда жиноят ишларини кўришда иштирок этишлари қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шу боис ҳам суд ишларида халқ маслаҳатчиси бўлиш масъулиятли ва шарафли иш ҳисобланади.

Музаффар КУКИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали туман судининг судьяси.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН

АЁЛЛАР СПОРТ БАЙРАМИ

кўтаринки руҳда ташкил этилди

Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Тошкент Халқаро Вестминстер университети спорт мажмуасида Ўқитувчи ва мураббийлар куни ҳамда Соғлом она ва бола йилига бағишлаб спорт мусобақаси ўтказилди.

Фарруҳ АЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақада олий таълим масканларининг аёл педагоглари қатнашди.

Тадбирни Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова кириш сўзи билан очди.

Таъкидландики, Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўқув масканларидаги давомат ва ўзлаштиришни доимий таҳлил этиб бориш, ёшлар, айниқса, қиз болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини тўғри шакллантиришда ўқитувчилар жамоасига яқиндан кўмаклашиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўсмир қизлар, талабалар, уй бекалари, меҳнат жамоаларидаги мутахассис аёллар учун спорт фестивалларни, спартакиадалар мунтазам ўтказилмоқда.

Мазкур тадбир ҳам ана шу ишларнинг изчил давоми бўлди. Бундай спорт мусобақалар аёлларни, оилада, таълим масканида, жамиятимизда спортга қизиқишни янада кучайтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Мусобақада Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент фармацевтика институти ва Тошкент автомобиль йўллари институти ҳамда Москва давлат университетининг Тошкент шаҳар филиали ўқитувчилари ўртасида «Қувноқ стартлар» спорт мусобақаси юксак даражада ташкил этилди. Унда аёл педагогларнинг чаққонлик, зийраклик, эпчиллик фазилатлари яна бир карра намоён бўлди.

Иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗМЕЛИОМАШЛИЗИНГ» ДАВЛАТ ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ТЕХНИКАЛАРНИ, ЖУМЛАДАН:

Автосамосвал MAN шассисида (юк кўтариш имконияти 20-25 тонна);

Автокран MAN ва ISUZU шассиларида (юк кўтариш имконияти 16 тонна);

Ёнилғи ташиш машинаси (автобензовоз) ISUZU шассида, идишнинг сиғими 4 тонна;

Краноманипулятор MAN шассисида (юк кўтариш имконияти 5 тонна);

Лазерли ер текислагич (қамраб олиш кенглиги-3,5 метр).

техника қийматининг 30 фоизидан кам бўлмаган қисмини олдиндан тўлаш шарти билан узоқ муддатга лизинг асосида таклиф этади.

Лизинг шартномаси ва унга тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган ҳолда техникалар бир иш куни давомида лизингга расмийлаштирилиб берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.
Маълумот учун телефонлар: +99871 239-46-25; 239-43-24; 239-43-65.

Маҳсулотлар сертификатланган. *Хизматлар лицензияланган.*

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши партиянинг навбатдаги – X Қурултойи ўтказилиши муносабати билан қуйидаги йўналишларда танлов эълон қилади:

— «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг X Қурултойи делегатига (иштирокчисига)» ёзувли блокнот;

— «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг X Қурултойи делегатига (иштирокчисига)» ёзувли сумка;

— 3 хил ўлчамдаги баннер тайёрлаш;

— Қурултой делегатлари ва иштирокчилари учун тушлик дастурхони;

— зални гул билан безаш;

— бейжик, мандат, таклифнома-дастур;

— автобус хизмати.

Корхона ва ташкилотлар шу йўналишлар бўйича тижорат таклифларини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига 2016 йилнинг 7 октябрь кунига қадар юборишлари сўралади.

Манзил: 100029 Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони кўчаси, 5/3-уй.
Телефонлар: 0-371 239-18-49; 239-83-12; 239-15-74.

«QO'YLIQ DEHQON BOZORI» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Qo'yliq dehqon bozori» АЖ Кузатув Кенгаши 2016 йил 10 октябрь куни соат 11:00да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Умумий йиғилиш жамият маъмурий биносида бўлиб ўтади.

Манзил: Бектемир тумани, Фарғона йўли кўчаси, «Қўйлиқ деҳқон бозори» майдони.

Эл.почта манзили: info@kuylyuk-bozori.uz

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санаси: 2016 йил 27 сентябрь.

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси: 2016 йил 4 октябрь.

Умумий йиғилиш кун тартиби:

1. Жамиятда корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш.

2. Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида:

— Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом;

— Ички назорат тўғрисидаги низом;

— Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом;

— Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом;

Акциядорларни рўйхатга олиш 2016 йил 10 октябрь соат 11:00 дан бошланади.

Маълумот учун телефон: (0-371) 295-93-66.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Saidkamol XODJAYEV, Saidahmad RAHIMOV, Hotamjon KETMONOV, Farrux HAMROYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Ulug'bek VAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, Rustam KAMILOV, Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059
8609 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20:55
Topshirilgan vaqti — 22:55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 3 4 5 6